



"31" май 2012 у. № 8

**“Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда
фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб
талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича
қўлланма”ни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш услубиятини такомиллаштириш ва уни халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида, Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. “Асосий демографик кўрсаткичларни шакллантиришда фуқаролик ҳолати далолатномалари ва статистик ҳисоб талонлари маълумотларини кодлаштириш бўйича қўлланма” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор 2012 йилнинг 1 июнидан бошлаб кучга киритилсин.

3. Демография ва меҳнат статистикаси бошқармаси (Жумаев А.) давлат статистика органлари томонидан демографик маълумотларни шакллантиришда миллатларни кодлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва такомиллаштириш мақсадида, шу йилнинг 1 ноябригача амалдаги Миллатларни белгилаш тизимини қайта кўриб чиқиб, 2013 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий этиш учун Қўмита раҳбариятига тасдиқлашга киритсин.

Раис

 **Б. Тўраев**